



## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ЛАВОЗИМГА ТАНЛАШ, УЛАРНИНГ ЛИДЕРЛИК САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

**doi** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss6/a17](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a17)

**Хуррамов Санжар Равшанович**  
Иқтисод фанлари фалсафаси доктори  
ТВПЯМЎ миллий маркази директори  
**Камолова Гулхумор Жамолдиновна**  
Тилларни ўқитиши методикаси кафедраси мудири

**Аннотация.** Бугунги кунда раҳбар ходим маънавияти жамият маънавиятини ифодаловчи ўзига хос кўрсаткич сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Жамият аъзоларини буюк келажак сари бирлаштирувчи турли ижтимоий қатламларнинг уюшқоғлиги, маънавий-ахлоқий қиёфаси, иш самарадорлиги раҳбар ходимнинг билимдонлиги, ташкилотчилик қобилияти, бошқарув маҳорати, шунингдек, уларни лавозимга танлаш ва уларнинг лидерлик салоҳиятларини баҳолаш баён этилган.

**Калим сўзлар:** бошқарув кадрлари, лидерлик, лавозимга танлаш, баҳолаш, менежмент, таълим тизими.

## ОТБОР РУКОВОДСТВА И ОЦЕНКА ИХ ЛИДЕРСКОГО ПОТЕНЦИАЛА В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

**Хуррамов Санжар Равшанович**  
Доктор философии экономических наук,  
директор национального центра ОПНМТО  
**Камолова Гульхумор Жамолдиновна**  
Заведующая кафедрой «Методика преподавания языков»

**Аннотация.** Сегодня духовность лидера также играет важную роль в обеспечении стабильности социально-экономической жизни как показатель духовности общества. Описываются сплоченность, моральный дух, трудовая этика, лидерские качества, организаторские способности, управленческие навыки, а также их выбор на позицию и оценка их лидерского потенциала, что объединяет членов общества с великим будущим настоящим.

**Ключевые слова:** управленческий персонал, лидерство, отбор, оценка управление, система образования.

## SELECTION OF MANAGEMENT STAFF AND ASSESSMENT OF THEIR LEADERSHIP POTENTIAL IN THE EDUCATION SYSTEM

**Khurramov Sanjar Ravshanovich**  
Doctor of Philosophy in Economic Sciences  
Director of the National Center for TRTPNM  
**Kamalova Gulhumor Jamoldinovna**  
Head of the Department of Language Teaching Methods

**Annotation.** Today, the spirituality of the leader also plays an important role in ensuring the stability of socio-economic life as an indicator of the spirituality of society. The cohesiveness, morale, work ethic, leadership skills, organizational skills, management skills, as well as their selection for the position and assessment of their leadership potential are described, which unites the members of the society with the great future current.

**Keywords:** management staff, leadership, selection, evaluation (assessment), management, education system.

**Кириш.** Замонавий раҳбарнинг моҳияти шахсий сифатлар нуқтаи назаридан вазият ва хулқ-атвор ёндашувлари орқали намоён бўлади. Муаммоли жараёнларларни ҳал қилишда айrim ташкилотларда расмий ва норасмий кичик гуруҳлар самарадорлигини алоҳида эътиборга олиш керак, чунки улар ўз даражаси, функционал роли, таркиби, гурухий нормалари ва тезкорлиги билан ажралиб туради. Маълумки, кўпчилик элга танилган япон фирмалари бугунги кунда ишлаб чиқаришда расмий ва норасмий кичик гуруҳлар ташкил қилишдан бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омил сифатида кенг ва унумли фойдаланади ҳамда бундай тадбирлар, ташкилий маданият ва корпоратив бирлик руҳини шакллантириш орқали юқори рақобатбардошлилик даражасини таъминлаб келмоқда.

Бизнинг бугунги ҳаётимиз мисолидан келиб чиқиб, тўлиқ ишонч билан айтишимиз мумкинки, бизда, ҳақиқатан ҳам, лидерларга бўлган эҳтиёж жуда катта. У хоҳ шахсий, хоҳ касбий ёки ижтимоий соҳа, ё бўлмаса қандайдир ўзига хос ёки ижодий йўналиш бўлсин, ҳамма жойда бизга лидерлар керак. Лидер бўлмаслик – бутунда фонарсиз, компас ва картасиз ўрмонга адашиб юриш билан баробар. Лидерлик нафақат бошқаларни ўз ортидан эргаштира олиш маҳорати, балки ўз шахсий ҳаётини бошқариш қобилияти ҳамдир. Биз бутун умримизни кимнингдир орқасидан эргашиб, ўз шахсий истак, эҳтиёж ва орзулаrimizni қурбон қилган ҳолда, бегоналарникини ҳаётга татбиқ этиб яшшимиз мумкин. Шундай вазиятда ҳаётдаги ҳар бир қадамни ўзимиз эркин аниқлай олиш қобилиятини йўқота бошлаймиз. Бизнинг шахсий кучимиз ва лидерлигимиз ўз қўлимизда эмас, балки бизни ўраб турган инсонлар, маданият ва жамият қўлида бўлади.

Раҳбар кадрларни танлаш ва баҳолашнинг яна бир усулларидан бири аттестациядир. Аттестация, асосан, раҳбарнинг малакавий билимларини аниқлашга ёрдам беради. Аттестациянинг асосий мақсади – раҳбар кадрлар касбий маҳорати даражасининг лавозим малака тавсифларига мувофиқлигини аниқлаш. Умуман олганда, аттестация мамлакатимизда ҳам кенг тарқалган услуг бўлиб, унинг асосий мазмуни номзоднинг билимига қаратилишидир.

**Адабиётлар таҳлили.** Раҳбар кадрлар таълим соҳасидаги меъёрий-хукуқий ҳужжатларни билиши, раҳбарлик қобилияти юзасидан малака синовларидан ўтадилар, кейинги

уч йил давомида таълим муассасасининг ривожланиш динамикаси ва раҳбарнинг кейинги касбий ва раҳбарлик ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича фаолияти ўрганилади [1].

Ф.Равшановнинг фикрича, танлов асосида раҳбарликка номзодларни танлаш ва баҳолаш услуги, асосан, икки кўринишда бўлади[2]:

1. Расмий ташкилот ёки идоралар томонидан фақат ўз тармоқларига эълон қилиниб, характеристига кўра аттестациянинг таркибий қисми сифатида қўлланилади. Яъни бир неча раҳбарликка номзод раҳбар ёки маҳсус ташкил этилган жамоа суриштирувидан ўтказилади. Бунда кўпроқ уларнинг соҳа бўйича билимларига асосий эътибор қаратилади ва бу масалада конкурсда иштирок этувчи номзод томонидан тақдим этилган ҳужжатлар катта роль ўйнайди. Бироқ конкурс асосида танлашда ҳисобга олинмайдиган қуйидаги масалалар мавжуд; оиласи, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит, бошқарув қобилияти, ташкилот таркиби ва характеристи, жамоа характеристини билиш ва шу кабилар.

2. Жамоатчиликка эълон бериш восита сида эркин танловни ташкил этиш. Бунда ҳар бир фуқаро ушбу танловда иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Албатта, танлов шартлари эълонда маълум қилинади. Бу танловда юқоридагига қўшимча тарзида номзоднинг шарт-шароитлари, манфаат муносабатлари, умуман, характеристи ва қобилияти ҳам маълум даражада синовдан ўтказилади. Ушбу синов конкурс комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ва маҳсус тартибга солинган дастур асосида ёки синов даврида туғиладиган саволлар воситасида ташкил этилиши кузатилилади.

И.Е.Каришинанинг қуйидаги асарида “Ҳар бир номзодни бир қанча кузатувчилар ёки асессорлар баҳолайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, баҳолаш режаси тузилаётганда, қуйидаги ҳолат инобатга олиниши лозим. Яъни ҳар бир машқни бажариш давомида номзодни баҳолашда янги асессор иштирок этиши лозим. Чунки ушбу талаб орқали объективликни таъминлаш мумкин. Ассесмент маркази жараёнини ўрганишлар натижаси шуни кўрсатадики, асессорнинг биринчи машқда номзодни субъектив баҳолаши унинг кейинги кузатувларига ҳам таъсир кўрсатиши” тўғрисида сўз боради [3].

И.Махмудов асарида сұхбатнинг дастлабки дақиқаларида ёқ номзоднинг имижи тўғрисидаги таассурот пайдо бўлади. Номзод

ўзининг ташқи кўриниши, ўзини тутиши, равон ва маъноли нутқи, хушмумомала феъли, меҳрибонлиги билан ўзи ҳақида яхши имиж ярата олса, комиссия аъзолари томонидан яхши кутиб олиниши айтилган [7].

Т.Шклярнинг фикрича, номзодларни баҳолашда, аввало, уларнинг ҳар бир жиҳатлари: темпераменти, қизиқиши, психологик комплексини инобатга олиш керак. Унинг фикрича, номзоднинг таълими ва профессионаллиги муҳим ҳисобланмай, агар номзодга шу иш қизиқарли бўлса, бунга у муаммо келтирмайди [10].

А.Парабеллумнинг фикрича, сұхбат ўтказувчи комиссиянинг энг катта хатоси комиссия аъзосига бирор номзод ёқиб қолса, ўша номзод билан кўп гаплашиб қолинади. Ҳар бир номзодга 15 дақиқа вақт ажратиш керак, лекин баъзида комиссия аъзолари номзодларни баҳолашда ўзларининг интуицияси га қарап эканлар. Бу эса ўз навбатида, тажрибадан сўнг юзага келади [11].

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада анализ, синтез, индукция ва дедукция методларидан фойдаланилиб, ўтказилаётган кадрлар ислоҳотларининг таъсири бошқарув методлари ёрдамида таҳдил қилинган.

**Таҳдил ва натижалар.** Раҳбарларни аттестациядан ўтказиш қўйидаги тартибда ташкил қилинади:

- раҳбар кадрлар таълим соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши, раҳбарлик қобилияти юзасидан малака синовларидан ўтадилар;
- кейинги уч йил давомида таълим муассасасининг ривожланиш динамикаси ва раҳбарнинг кейинги касбий ва раҳбарлик ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича фаолияти ўрганилади.

Кўпинча, аттестация натижалари маълум лавозимда фаолият олиб бораётган раҳбарнинг ўз лавозимига мос ёки мос эмаслиги хulosаси билан яқунланади. Р.Равшановнинг фикрича, фаолиятдаги раҳбар кадрларни аттестация асосида лавозимдан олиб ташлаш жиддий хатодир. Унинг фикрича, билимни савия ва малака, деб тушунмаслик керак. Чунки савия олинган билимни бошқа билимлар билан бир бутунлиқда ҳаётга татбиқ этиш йўлларини идрок қила билишни англатади. Малака эса билим ва савияни ҳаётга бевосита татбиқ этишини билдиради. Аттестация раҳбарни кўпроқ билим жиҳатидан аниқлайди. Қайси соҳада бўлмасин, раҳбарлик фақат ўша соҳа бўйича, матахассислик бўйича билим

билан белгиланмайди, бундан ташқари раҳбарлик савия ва малакани ҳам талаб этади[2].

Раҳбар кадрларни танлаш ва баҳолашнинг яна бир усули *танлов* усулидир.

Бунга кўра танлов асосида номзодлар орасидан энг мақбули ва кучли қобилиятга эга шахсларни давлат органларига танлаб олиш имкони мавжуд бўлади. Конкурснинг асосий тамойили шундан иборатки, у ерда кўп номзодлар (альтиратива)нинг иштирок этиши, очиқлиги, ошкоралиги ва барча учун тенглигидир. Шуни таъкидлаш жоизки, танлов (конкурс)ни ташкил қилувчи бошқармалар ёки бўлимларда фаолият юритувчи ходимларнинг конкурсни очиқлик, ошкорла ва шаффоф бўлишини таъминлаш учун объектив ёндашув муҳим ҳисобланади. Яъни мавжуд вакант жойларни ўз вақтида ташкилотнинг веб-саҳифасига жойлаштириш ёки ОАВда эълон қилиш лозим.

Раҳбарларни баҳолашнинг яна бир замонавий ва илғор услубларидан бири "Ассесмент маркази" деб аталади. Авваламбор, шуни таъкидлаб керакки, "Ассесмент маркази" бу алоҳида бир жой эмас, балки ходимларни баҳолаш технологиясидир. Кўпгина ривожланган давлатларда (АҚШ, Буюк Британия, Германия) ушбу баҳолаш тадбири нотижорат ташкилотлар орқали амалга оширилади. Масалан, АҚШда ушбу баҳолаш тизимини Америка психология ассоциацияси, Халқаро ассесмент маркази конгресси, Индустрнал ва ижтимоий психология соҳасидаги олимлар, Буюк Британияда психология тест ўтказувчи жамоат ташкилотлари олиб боради. Ассесмент марказининг асосий мақсади – инсоннинг аввалги иш жойига нисбатан ҳозирги ва келажакда ишламоқчи бўлган лавозимга лойиқлигини аниқлашдан иборат [5].


Ассесмент маркази қаерда ва ким (кадрлар бўйича мутахассис, ташқаридан келган эксперт) томонидан ўтказилишидан қатъий назар ўзининг белгиланган қоидаларига амал қиласи.

Ассесмент марказида номзодларни баҳолашда қуйидагилар аниқланади:

- номзоднинг компетенциялари;
- номзоднинг бир вақтнинг ўзида бир қанча вазифаларни бажара олиш қобилияти;
- баҳолаш жараёнида бир пайтнинг ўзида бир нечта номзодлар баҳоланади ва ҳар бирининг қуйидаги сифатлари аниқланади. масалан:
- жамоа бўлиб ишлаш қобилиятининг мавжудлиги;

- бошқаларга таъсир кўрсатиш малакаси;
- ўзининг ортидан эргаштира олиши;
- муаммони ҳал қилишда гурухий музокарада иштирок этиши;
- ассесмент марказида оптимал ҳисобда олтита номзод иштирок этади, баҳоланувчилар сони камидаги тўртта ва кўпи билан еттикиши бўлгани маъқул;
- ассесмент марказида номзодларни баҳолаш ва қўлланмадан бир хил фойдаланиш учун асессорлар олдиндан маҳсус тайёrlаради;

- машқлар номзодларнинг компетенцияларини аниқлашга йўналган. Баҳолашда, аввало, лавозим талаблари, мезонларни аниқлаб чиқиб, кейин эса шу мезонларни аниқлаб оловчи машқларни ишлаб чиқиш керак. Вакант лавозимга қўйилмайдиган талабларни баҳолаш машқига киритиш керак эмас;
- машқлар давомида номзодларнинг муаммони ҳал қилиш қобилияти, қийин шароитда оптимал қарор қабул қила олиши, унинг хулқ атворининг касб ва лавозим мезонларига тўғри келиши аниқланади.



**1-расм. Бошқарув кадрларини баҳолаш ва уларнинг лидерлик салоҳиятларини ўрганиш даражалари**

“Патрик Лессиони” моделини ҳам келтириш мумкин. “Лессиони модели” пирамида шаклида тасвирланади [13].

Халқ таълими тизимида ассесмент марказини ўтказишдан мақсад раҳбарлик лавозимларига хос малакавий талабларга жавоб берадиган, компетентли номзодни танлаб олишдан иборат. Лекин бу номзодни камидаги учта номзоднинг ичидан танлаб олиш зарурати маълум бир мураккабликни келтириб чиқаради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, номзодларни баҳоловчи талаблар ва компетенциялар ассесмент марказини ташкил қилишдан аввал ишлаб чиқилиши керак. Халқ таълими тизимида номзодни раҳбар лавозимига тайинлашда ассесмент марказидаги фойдаланиш, асосан, юқори вакант лавозимларига раҳбарларни танлашда самарали ҳисобланади. Масалан, вилоят Халқ таълими бошқарма бошлиқлари ёки Халқ таълими

муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирларини лавозимга тайинлашда ижобий натижаларни келтириб чиқаради.

Халқ таълими вазирлигида ассесмент маркази орқали номзодларни лавозимга тайинлашда қуидаги мезонларга эътибор қаратилади [6]:

1. Самарали бошқарувни таъминловчи қобилиятларнинг мавжудлиги.
2. Номзоднинг лавозим ўсишига тайёрлигини аниқлаш.
3. Янги иш шароитида фаолият юрита олишини аниқлаш.
4. Самарали ишловчи ва мослашувчаник қобилиятига эга бўлиш.

Халқ таълими вазирлигида ассесмент марказининг жорий этилиши тажрибали, компетентли, аъло даражадаги кўнималар, етакчилик сифатларига эга иқтидорли раҳбарларни жалб қилиш имкониятини беради.

**Самарали бошқарувда коммуникатив түсиқлар**

<b>Мулоқот жараёнига түсиқ қилидиган "Шахсий хислатлар"</b>	<b>Мулоқот жараёнига ёрдам берадиган "Иродавий хусусиятлар"</b>	<b>Мулоқот жараёнида түсиқларни енгish учун таклифлар</b>
Вазифани тушунтиришда агрессивлик. Вазифани тушунтиришда ўта босик, вазмин ҳолатда бўлиш, саволларга лўнда ва аниқ жавоб бериш	Мулоқот жараёнида ташаббускорлик, сухбатдошимни обдон тинглаш кўникмасига эга бўлиш, ора-орада савол ташлаб турман, ва уни дикқат билан тинглаётгандай тутаман	Раҳбар ёки ходимлар билан мулоқот қилишда субардинацияга эътибор қилиш керак. Сухбат жараёнида ким билан, қандай мавзуда мулоқот қилинаётганига, албатта, эътибор бериш
Фикрни тинглаш вақтида зўриқиши ҳосил бўлганда, инсон ўзини-ўзи бошқара олмаслиги мумкин, бу вақтда киши билиб-бilmay хатоликларга йўл қўйиши мумкин. Фикрни тинглаш вақтида зўриқиши юзага келади, яъни мавзу менга тегишли бўлмаса ёки "олди-қочди" гаплар бўлса, сухбат жараёнида зўриқиши пайдо бўлади. Шу вақти бошни секин-секин қимирлатиб қўйиш, лекин сухбатга ҳурмат билдириш	Фикр билдириш жараёнида иккиланмаслик, сухбат жараёнида иккиланмасдан ўз фикримни билдираман, чунки ўзим билган мавзуда фикр билдираман, менга нотаниш мавзу бўлса, кўпроқ тинглайман ва кўпроқ саволлар бераб тураман	Мулоқот даврида фикрни тинглашда зўриқишининг олдини олишда сухбатдошини хафа қилмасдан, оддий қилиб, бошни силкитиб туриш ёки яна қандайдир ишга шошилаётганигини билдириб, узр айтиш ва ундан узоқлашиш
Жамоада раҳбар доим қарор қабул қилиш вазиятида туради. Бунда турли омиллар, яъни ҳам объектив ҳам субъектив таъсири бўлиши мумкин, раҳбарни қарор қабул қилишда ҷалғитиш мумкин	Раҳбар қарор қабул қилиш якунида барчани тинглаб, қарорнинг самарали бўлиши учун унга түсиқ бўладиган ҳолатларни бартараф этиши ва уни тўла-тўқис тушунтириш	Раҳбар қарорни қабул қилиши учун вазинлик билан иш юритиши керак. Ходимларининг ҳам фикрларини тинглаши керак. Турли тажрибалар билан ўртоқлашиши керак
Раҳбар муҳимни номуҳимдан ажратади олиши, мавжуд имкониятлардан энг мақбулини танлай билиши керак. Бунда танлов, таҳлил қилиш, сўзига ишонтира олиши керак	Раҳбар муҳимни номуҳимдан ажратиши ва таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини солиштириш, фикрларни тинглаб, энг мақбулини ажратиб, уни ходимларга тўлиқ тушунтириб бериш, салбий ва ижобий томонларини тушунтириш керак, ходимларнинг раҳбарнинг сўзни тушуниб, уни тўғри танлов қилганига ишонишлари керак	Раҳбар муҳимни номуҳимдан ажратиши ва таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини олишда, уларни таққослашда тажрибали ходимларининг ҳам фикрларини инобатга олиши, лозим топмаса, унинг сабабини тушунтириши керак. Танлов натижаси барibir вақт ўтиши билан аниқ бўлади. Шунда раҳбар тўғри танлов қилганигини ходимлар ишонч билан қабул қилишади

**Манба:** муаллиф ишланмаси.

Бугунги кунда номзодларни саралаб олишда сухбат усули энг самарали ҳисобланади. Фақатгина уни замонга мослаб, такомиллаштириб бориш керак, холос. Сухбат ўтказувчи комиссия аъзоси ҳар бир саволи орқали номзоднинг берган жавобидан, унинг ўёки бу вазифани бажара олишилигини тасвирлаб олиши керак. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, сухбат ўтказувчи жамоа кенгашининг ҳар бир аъзоси ўз соҳасининг мутахассиси бўлиши ва ўзининг компетенциясидан саволнома тайёрлаб келиши керак.

Сухбат давомида нималар аниқланади:

- номзоднинг этикет қоидаларига амал қилиши;
- номзоднинг профессионалигини аниқлайди. Профессионаллашув индивиднинг у ёки бу профессионал ролни бажаришга қодирлигини ифодалайди [7];

- таҳлил қилиш қобилиятининг мавжудлигига;
- бошқарув қарорини қабул қила олишига;
- индивидуал – психологияк ҳолатига;
- номзоднинг қадрияти ташкилот қадриятига мослиги ва шу кабилар.

Ўз шахсий имижини яратишида, энг муҳими, ўз имкониятини яхши билиши, унга керакли баҳо бера олиши, муайян вазиятларда ўзини тута олишидир.

Сухбатдан ўтаётган ҳар бир номзод ўзининг профессионал билимини яхшилаб тақрорлаб келгани маъқул. Чунки номзод ўзининг соҳасидан берган саволга тўғри жавоб беролмаса, унга бўлган ишонч йўқолади.

"Кузница кадров" китоби муаллифларининг фикрича, номзодни куйидаги муҳим саволлар билан баҳолаш мумкин:

1. Нима учун айнан шу ерда ишлашни хоҳлайсиз? Номзоднинг жавобидан унинг бу лавозимга қизиқиш мақсадини билиб олиш мумкин.

2. Ўзингизни беш йилдан сўнг қаерда кўрасиз? Номзоднинг жавобидан ундан кела-жакда нима кутишини аниқлаш мумкин.

3. Нима учун биз, айнан, сизни танлаши-миз керак? Бу савол номзодни ўзининг баҳо-лаши қандайлиги ва бошқа номзодлардан устунлигини аниқлаш имконини беради.

4. Сизнинг иш давомидаги энг катта ютуғингиз нималардан иборат? Бу орқали унинг ютуқларини аниқлаш мумкин. Агар номзод жавоб беролмаса, демак у янги иш фаолиятида ҳам фойдаси кам тегади.

5. Келажакда қанча маош олишни истай-сиз? Бу орқали номзоднинг нафсини аниқлаш имконини беради.

6. Қайси рағбатлантиришни маъқуллар-дингиз, катта маошми ёки камроқ маош ва меҳнатга яраша фоизми? Фақат белгиланган маош билан ишловчи номзоднинг ўз ўстида ишламаслигини билдиради.

7. Сиз нима учун аввалги иш жойингиздан кетгансиз? Сабаблар ҳар хил бўлиши мумкин. Балки номзод жамоа билан келишмагандир ёки топшириқларни ўз вақтида бажарма-ганлиги натижасида конфликтга боргандир. Комиссия аъзоларининг вазифаси, айнан, шуни аниқлаб хулоса килишдан иборат.

8. Аввалги иш жойингиздан тавсиянома олиш мумкинми? Бу провокацияли савол бў-либ, бу орқали номзоднинг реакциясини кў-риш имконига эга бўлади.

9. Иш жараёнига халақит қилувчи кам-чиликларнинг мавжудми? Бу саволлар орқа-ли номзоднинг “ҳақиқий” юзини кўриш мум-кин.

10. Биринчи иш қунингизда нима иш қиласиз? Унинг жавоби орқали режа бўйича иш қилишини ва шу соҳада жиддий ишлашга қарор қилганлигини кўрсатади.

11. Келажакда ишни қандай тасавур қиласиз? Номзод бу орқали берилаётган ишда нима кутилаётганлигини ва ўзининг ролини айтиб беради.

12. Ҳаётда нима билан, умуман, шуғул-ланмасдингиз? “Ҳақиқий” раҳбар ҳар бир шароитга мослашиб керак. Бу савол орқали ном-зоднинг ҳар қанақа шароитларга тайёр бўли-шини аниқлаш имконини беради.

Т.Шклярнинг фикрича, номзодларни ба-ҳолашда, аввало, уларнинг ҳар бир жиҳатла-рини: темпераменти, қизиқиши, психологик комплексини инобатга олиш кераклигини таъ-

кидлайди. Унинг фикрича, номзоднинг таъли-ми ва профессионаллиги муҳим ҳисобланмай, агар номзодга шу иш қизиқарли бўлса, бунга у муаммо келтирмайди [8].

Вакант лавозимга ҳужжатлар кўп туш-гандা, қуидаги тартиба танланиши ва баҳо-ланиши мумкин:

- қайси номзодни аниқ таклиф қилган бўлардингиз?

- агар ҳужжатлар кам топширилган бўлса, кимларни таклиф қилган бўлардингиз?

- кимни 100 % рад этиш керак?

Йиғилган ҳужжатларни бир тизимда тахлаётганда, қуидаги тартиба эътибор қа-ратиш керак:

1. Биринчи таассуротга. Бу ерда номзод-нинг йиғма жилдларида келтирилган маълу-мотларнинг тўғри ёзилганлигига эътибор қа-ратилади. Масалан, таржимаи ҳолда имловий ва орфографик хатоларга йўл қўймаганлиги.

2. Номзоднинг лавозимдаги ўсиши ман-тиқан боғланганлиги. Бу орқали номзоднинг ўз вақтида маълумоттага эга бўлганлиги, бир лавозимдан иккинчи лавозимга қанча вақтда эришганлиги. Битта тизимдан бошқа тизимга нима сабабдан ўтганлиги ёки аввал лавозим-да ишлаб бўшатилганлиги ва иш жойини тез-тез ўзгартирганлигини таҳлил қилиб чиқиш даркор.

3. Ҳар хил юқори лавозимларда фаолият юритганлиги. Масалан, у Халқ таълими муас-сасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирлигига номзод бў-либ келган бўлса-да, лекин аввалги иш жойи-да қўл остида ходимлар бўлмаган бўлса, бу унинг компетентсизлигидан далолат бериши мумкин.

4. Иш тажрибаси. Бу ерда номзоднинг нафақат иш тажрибаси, балки фаолияти даво-мида эришган ютуқларини ҳам инобатга олиш керак.

5. Таълим. Агар номзод асосий дипломи-дан ташқари бошқа таълим муассасаларини тутатган бўлса, унинг самарали эканлигини, яъни у ҳар доим ўз устида ишлашга тайёр эканлигини билдиради.

6. Хоббиси. Бу орқали номзоднинг иши билан ўз қизиқишлигини ҳамоҳанг ривожлан-тира олиш имконига эга эканлигини билди-ради.

7. Шахсий сифатлар. Номзоднинг комму-никабеллиги, фидойилиги, ўзини-ўзи назорат қила олиши ва бошқа сифатлари аниқланади.

Халқ таълими тизимига ишга қабул қи-лишда қуидаги ҳужжатлар қабул қилинади:

1. Шахсий жилд.

2. Паспорт нусхаси.

3. Диплом нусхаси ва илмий даражасини белгиловчи ҳужжатлар. Баъзида диплом нусхаси билан бирга унинг асл нусхасини ва диплом берган муассасадан ҳаққонийлигини тасдиқловчи расмий талабни ҳам талаб қилиши мумкин. Бу орқали номзоднинг мутахассислиги ҳам текширилади.

4. Таржимаи ҳол. Бугунги кунда таржимаи ҳол икки тилда (рус ва ўзбек тилларида) ёзилиши мумкин. Бу ерда номзод ўзининг фамилияси, исми ва шарифи; туғилган кун, ой, йил ва манзил; фуқаролиги; маълумоти ва қачон тугатганлиги; илмий унвони ва илмий даражаси; суд жавобгарлигига тортилганлиги; яқин қариндошлари суд жавобгарлигига тортилганлиги; яқин қариндошлари ёки номзоднинг чет элда бўлганлиги; яқин қариндошлар ва уларнинг вафот этганлари тўғрисида маълумот; ўқув ва меҳнат фаолияти ва уларнинг манзили каби маълумотларни тўлдириб, ўз қўли билан ёзив, имзо ва сана қўйилади. Бу каби маълумотлар кейинчалик кадрлар бўлими томонидан текширилиб, таҳлил қилинади.

**Хулоса ва таклифлар.** Умуман олганда, номзодни лавозимга тайинлашда унинг психолигик ҳолати баъзида муҳим ҳисобланади. Чунки, агар номзод эмоционал барқарор, иродали бўлса, у ҳар қандай билимни ўзлаштира олиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Суҳбат давомида комиссия аъзолари ҳар бир номзоднинг темпераментини ҳам аниқлаш муҳим ҳисобланади. Кузатувлар натижасида

флегматик темпераментли шахслар кўпроқ халқ таълими тизимида фаолият юритиши аниқланган. Чунки болаларни тарбиялашда педагогдан, биринчи навбатда, сабрлилик ва босиқлик талаб қилинади. Раҳбар кадрларни танлаш ва баҳолашнинг яна бир усули сифатида расмий ҳужжатлар орқали ўрганиш ҳисобланади. Анъанага биноан ҳар бир ташкилотда ҳужжатларни тартибга солиш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, аттестациянинг муваффақиятли ўтиши, аввало, жами меъёрий ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва барча жараёнларни қонун асосида ташкил қилишга боғлиқ.

Бу ерда номзодга шундай савол берилади, мақсад уни қийин вазиятга солиб қўйишдан иборат бўлиб, унинг ўйлаб, таҳлил қилиб чиқиб, жавоб беришини кузатиш лозим. Истеъоддли ва меҳнатсевар, катта имкониятга эга номзодлар керакли, зарур хислат йўқлиги боис сухбатдан ўта олишмайди. Бундай омадсизлик, асосан, ўз имконияти, кучкудратига етарли баҳо бера олмаслиқдан, ўзига ишонмаслиқдан келиб чиқиши сабабларини ўрганиш лозим.

Таҳлил қилиш кадрлар ёки ташкилий бўлимга юклатилган бўлади. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, аттестацияда бўладиган сухбат жараёнида бўладиган савол-жавоблар ўқитилган ва тайёрланган махсус эксперталардан тузилган комиссия аъзоларидан иборат бўлиши керак.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й, 3-сон, 19-модда, 31-32-сон, 325-модда. "Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоиғалари бериш тартиби тўғрисида"ги низом.
2. Равшанов Ф.Р. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т., 2009. – 251 б.
3. Каришина И.Е. Подбор кадров – важная задача современной государственной службы. // Журнал. Наука и современность. Выпуск № 27. 2014.
4. Равшанов Ф.Р. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т., 2009. – 252 б.
5. Беляева Ж.А. Оценка персонала в системе менеджмента организации. Экономика труда и управление персоналом. Энгельсский технологический институт (филиал) ГОУ ВПО "СГТУ", г. Энгельс.
6. Зеер Э.Ф., Русанова Ю.Л. Психологические исследования. Психологическая оценка персонала: теория и практика. // Образование и наука. 2005. № 3 (33). УДК 159.9:377, ББК Ю 941.19. С. 106.
7. Махмудов И. Бошқарув профессионализми. Психологик таҳлил. – Т., 2011 йил. 19-бет.
8. Жамоат этикети ёхуд уддабуронлар имижи. – Т.: "Янги аср авлоди" УДК, 2011. 395.5, ББК 87.74. 75-бет.
9. Парабеллум А., Мерқулов А., Мрочковский Н. Кузница кадров. Как создать очередь желающих работать у вас. – М.: ПИТЕР, 2014. С. 73.
10. Шкляр Т.Л. Анализ профориентации персонала при проведении собеседования. // Журнал. Экономика и современный менеджмент: теория и практика. № 40/2014. УДК 33.
11. Парабеллум А., Мерқулов А., Мрочковский Н. Кузница кадров. Как создать очередь желающих работать у вас. – М.: ПИТЕР, 2014. С. 63.
12. Парабеллум А., Мерқулов А., Мрочковский Н. Кузница кадров. Как создать очередь желающих работать у вас. – М.: ПИТЕР, 2014. С. 64.
13. Патрик Лессони «Пять пороков команды. Притчи о лидерстве»